



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (12.067)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

«Ўзкимёсаноат» давлат акционерлик компаниясида бир неча кун давомида «Ўзкимёсаноат ДАК корхоналари томонидан импорт қилинаётган ва ўзлаштиришга таклиф этилаётган маҳсулотлар» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

Кўргазмалар

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Тадбирда республика кимё саноатининг 12 та асосий корхоналари иштирок этди. Иштирокчилар ва маҳмонларга компания корхоналари томонидан импорт қилинаётган ҳамда маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган маҳсулотлар ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш имконияти яратилди.

Компанияда 2011 йилда маҳаллийлаштириш доирасида 34 та лойиҳа амалга оширилди,



улардан 6 таси маҳаллийлаштирилган янги маҳсулот турларидир. Жорий йилда эса маҳаллийлаштириш дастури асосида 37 та лойиҳани татбиқ этиш белгиланган бўлиб, шулардан 7 таси импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари бўлади.

Кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад республикамиздаги корхоналар ва хусусий сектор тадбиркорларини «Ўзкимёсаноат» ДАК кор-

хоналари томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар турлари билан таништириш, ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашда улар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва мустаҳкамлашдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

САНЪАТ ВА СПОРТ НАМОЯНДАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида маданият ва спортни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Соҳада самарали фаолият кўрсатаётган ҳамюртларимиз меҳнати муносиб тақдирланмоқда.

Пойтахтимизда маданият, санъат ва спорт соҳаси намояндалари шарафлашга бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда санъат ва спортнинг турли йўналишларида изланаётган ижодкорлар, маънавий меросимизни ўрганишга муносиб ҳисса қўшаётган олимлар, спортчилар, ижодий ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан иштирок қилган маънавий-маърифий соҳа ривожига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, санъатнинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини тиклаш, ижодкорлар меҳнатини муносиб тақдирлаш, уларни янгидан-янгидан марралар сари руҳлантиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Санъат, маданият ва спорт соҳасида миллий қонунчилик тизимининг такомиллаштирилиши, қатор давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши миллий санъатимизнинг қўллаб турлари ривожланиб, халқаро миқёсда кенг эътибор этилишига, юртимиздан ўнлаб спорт турлари бўйича жаҳон чемпионлари, Олимпиада совриндорлари етишиб чиқишига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузи тобора юксалишида муҳим омили бўлаётди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси ва ғояси асосида 2011 йилда пойтахтимизда халқимизнинг юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятига мос муҳташам Симпозимлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида иборат «Маърифат маркази» қад рўстлагани мамлакатимизнинг маданий-маърифий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Ушбу мажмуа барчамиз учун юксак ифтихор рамзига айланди. Шунингдек, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўнлаб маданият қўшоналари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ижодиёт марказлари, студиялар барпо этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида

Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида ЎЗА мухбирлари ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга бағишлаётган инсонлар билан суҳбатлашди.

Самандар КЕНЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси тингловчиси, майор:

— Амаким — ҳарбий. Болалигимда амакимни ҳарбий формада кўриб, гапларини эшитиб, мен ҳам ҳарбий бўламан, деб ният қилгандим. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ўқидим. Жиззахдаги ҳарбий қисмда учувчи бўлиб хизмат қилдим. Ватанимиз тинчлиги ва осмонимиз мусаффолигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Мамлакатимизда ҳарбийларга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳарбийлар барча шарт-шароитларга эга уй-жой билан таъминланиб, уларнинг оилаларига улкан ғамхўрлик кўрсатилаётди. Ўғлим ҳам мендек учувчи бўлишни хоҳлайди. Орзуим — уни ҳарбий формада кўриш.

Лобар СИДДИҚОВА, уй бекаси:

— Болалигимдан ҳарбий либос кийган йигитларга ҳавасим келарди. Шу боис турмуш ўртоғим ҳарбий бўлишни жуда хоҳлардим. Ниятим ижобат бўлиб, ҳарбийлар оиласига келин бўлиб тушдим. Умр йўлдошим ва қайнотам ҳарбий соҳада фаолият юритади. Ҳарбийлик жуда катта масъулият ва улкан жасорат эгаси бўлишни талаб қилади. Мен ана шундай шарафли касб соҳибининг рафиқаси эканимдан фахрланаман.

Оиламизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлаш аънаёна айланган. Шу кунни яқинларимиз билан байрамона безатилган дастурхон атрофида йиғиламиз. Оила аъзоларимни байрам билан қутлайман.

Ҳарбий хизматчининг рафиқаси бўлиш шарафли, шу билан бирга ўта масъулиятлидир. Турмуш ўрто-

ғимни машаққатли меҳнат фаолиятида ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан, бу оиламиз мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим омилларидандир.

Баҳодир МАМАСОЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўқитувчиси, подполковник:

— Ҳарбий бўлиш ва армия сафида хизмат қилиш болалик орзуим эди. Сабр ва масъулият талаб қиладиган бундай шарафли касбни эгаллаш учун олий ҳарбий билим юртида таҳсил олдим. Инти-

шини жуда-жуда истайман. Ватан ҳимоячиси бўлиш — йигит учун юксак шараф.

Сардор АБАЗОВ, талаба:

— Сурхондарё вилоятида муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, қўмондонлиқнинг тегишли тавсияномасини олиш шарафига муюссар бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга берилган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Қарориغا биноан бундай тавсияномага эга бўлган йигитларга мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларига ўқишга киришда тест синовларида тўпладиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклида имтиёз берилмоқда. Мен ҳам ушбу имтиёздан фойдаланган ҳолда Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетига ўқишга кирдим. Бу мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ҳарбий хизматни ўташ чоғида катта сабоқ олдим. Ватанимни ҳимоя қилишни, қадрлашни, ҳаётнинг қадрига етишни ўргандим. Ҳарбийда орттирган тажрибам, чиқарган сабоқларим ва эга бўлган имтиёзларим бир умрга татийди. Бундай шарафга мамлакатимизда минглаб, миллионлаб йигитлар эга бўлмоқда. Биз, ёшлар яратилаётган ана шундай имконият ва шароитларнинг қадрига етмоғимиз, улардан самарали фойдаланмоғимиз лозим.

Мадина УМАРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

ОРЗУИМ — ЎҒЛИМНИ ҲАРБИЙ ФОРМАДА КЎРИШ

лиш ва изланишларим самарасида ниятимга етдим — офицер бўлдим.

Бир неча йилдан буён мамлакатимиз Қуролли Кучлари академиясида ҳарбийларга алоқа муҳандислигини таҳсил бериб келяман. Мамлакатимизда қўшинларнинг моддий-техник базасини мураккамлаш, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш, муҳофаа кучларини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Биз, ҳарбийлар яратилган ана шундай имкониятлардан умумий фойдаланган ҳолда ўз бурчимизни шараф билан бажаришимиз даркор.

Ўғлим ҳам келгусида мен каби ҳарбийлик касбини эгаллаб, офицер бўлишни, Ватанимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қили-

✓ **БУГУН** Чилонзор болалар спорт-соғломлаштириш мажмуасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ўқмирлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган мусобақаларнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Янгиқўрғон туманидаги Наврўзобод қишлоғида сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Соф барака сут маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Айни пайтда бу ерда кунига 500 килограммдан зиёд 10 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шохобчаларига пешмаша етказиб берилмоқда.

• Қарши шаҳридаги норуда материаллари тайёрлайдиган «Ниёзтурсунсаноат» масъулияти чекланган жамияти модернизация қилинган, корхонада йилгига 10 минг куб метр кум-шағал ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Шунингдек, ўнлаб қўшимча иш ўринлари яратилди.

• Амударё туманилик тадбиркор Ражаббой Матсафоев банкдан олган 12 миллион сўмлик кредитни эвазига ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар харид қилиб, турли мебель жихозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Оролбўйида шу каби тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили тижорат банклари томонидан 144 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

• Поп туманида спорт пойабзаллари ҳамда аёллар оёқ кийимлари тайёрлашга мўлжалланган «Дарина обувъ» қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Бунинг учун таъсисчилар томонидан 152 минг АҚШ долларилик сармоя киритилди. Натижада янги корхонада йилгига 300 минг жуфт маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Таъкидлаш лозимки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда хорижлик ҳамкорлар билан 5 та саноат корхонаси ташкил этилиши натижасида вилоятда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 57 тага етди.

• Навоий шаҳридаги «Гидро-Станко-Сервис» корхонасида банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилиши тўғрисида ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди, қўшимча 11 иш ўрни яратилди. Якунланган йил давомида жамоа Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийдонмахсулотлари» каби ўнлаб йирик саноат корхоналарига 515 миллион сўмлик асбоб-ускуналар етказиб берди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Техас штатида йирик йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Порт-Артур шоссеси яқинида турли русумдаги 79 та автомобиль бир-бирига тўқнашиб кетган, оқибатда 54 нафар одам тан жароҳати олган. Қўрбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Бахтсиз ҳодисага йўлни қоплаб олган қуюқ туғун сабаб бўлгани айтилмоқда. Чунки ҳозир ушбу ҳудудда ўрмон ёнғинлари кузатилаётди.

• Мексикада ер юзидаги энг баланд кўприкнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. «Baluarte» (қалъа, қўрғон) дея номланган бу йўл ўтказгич Синалов ва Дуранго штатлари ўртасида бунёд этилган. Мамлакат мустақиллигининг 200 йиллигига бағишлаб қурилган мазкур иншоотнинг баландлиги 403, узунлиги 1124 метрга тенг. Унинг ишга тушиши билан икки штат ўртасидаги масофани олти соатга қисқартириш имконияти яратилди. Кўприкнинг очилишида мамлакат президенти Фелипе Кальдерон қатнашди ва у кўприк Мексика халқларини жипслаштирувчи ўзига хос лойиҳа бўлганини таъкидлади.

• Шу пайтгача шифокорлар ҳомиладор аёлларнинг самолётда учиниши хавфли ҳисоблаб, буни уларга тавсия этишмаётганди. Аслида бу тўғри эмас экан. Бир гуруҳ олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотқа кўра, улар ҳам мутахассис кўригидан ўтиб бемалол парвоз қилишлари мумкин. Фақат камқонли ва юраги заиф ҳомиладор аёлларга бу тавсия этилмайди. Чунки бундай пайтда самолётга чиқиш нафақат уларнинг ўзи учун, балки туғилажак бола учун ҳам ўта хавфли, дея қайд этади «kidzmedical.com».

• Норвегиянинг Квеенес соҳили ўлик селёд баликлари билан қопланган. Бу сирли ҳодисага биринчи бўлиб шу ерда яшовчи Ян-Поттер Йоргенсен дуч келди. Унинг айтишича, баликлар шу даражада хидланиб кетганки, бу ерда нафас олишнинг умуман иложи йўқ. Воқеа жойига етиб келган мутахассисларнинг билдиришича, ўлик баликларнинг умумий вази 20 тоннага тенг. Аммо уларнинг бу қисматга қандай дуч келгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Шу боис улар яқинда ушбу ҳудудда юз берган бўронни бунга сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Манбада ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам мазкур ҳудудда шундай воқеа содир бўлгани келтирилган.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Қонунчилик палатасининг экоҳаракат депутатлари

ри гуруҳи томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар ва исттиқболдаги режалар муҳокамаси юзасидан матбуот анжумани ўтказилади.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ** барча туманларида шаҳар ҳокимли-

ги ва шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида «Меҳнатни муҳофаза қилиш»га доир қонунларни ўрганишга қаратилган ўқув машғулоти ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йилнинг 25-26 март кунлари бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида бир қатор муҳим қонунлар маъқулланди. Мазкур қонунлардан бири – «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2011 йил 14 апрелда матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши, хусусан фан, таълим ва маданият ривожланиши билан олиш имкониятига бўлган эришишда кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, улар фаолиятида замонавий ахборот технологияларини қўллаш долзарб аҳамият касб этади. Бинобарин, глобаллашув жараёнида ушбу масалаларни ҳал этишда «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори ахборот-кутубхона фаолияти соҳасини такомиллаштиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолиси-ни ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. Соҳа ривожини таъминлашда Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги «Ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари сифатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да қайд этилганидек, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиши, уни тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзидан муҳим ҳисса эгаси бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Кутубхона ишида фойдаланувчиларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган устувор вазифаларни амалга ошириш ва миллий электрон ресурсларни шакллантириш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини яратиб мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорининг 1-илоҳасида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Хозирда мамлакатимизда 11 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳизматидан 6,3 миллиондан ортиқ китобхона ва ўқувчи фойдаланиб келмоқда. Юртимизнинг 83,6 миллион ёшлардаги жами адабиёт фондидан 3,5 миллионга яқин кўришни шакллантирилган эса уларга янада кенгроқ шароитларни яратмоқда. Бунда айниқса, барча ахборот-кутубхона марказларида Интернет (ZiyoNET) тармоғига чиқиш имкониятини берувчи локал тармоқлар ташкил этилгани ҳам муҳим омилдир. Чунончи, таълим муассасаларидаги 1639 та ахборот-ресурс марказида (91 фоиз) локал тар-

моқ мавжуд. Улардан 1380 таси ZiyoNET тармоғига уланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунга қадар ахборот-кутубхона институтлари фаолиятида хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг ижобий натижаларига қарама-қарши, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда ахборот-кутубхона ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича иш олиб боришни тизимли таразда йўлга қўйиш эҳтиёжи юзага келди. Бинобарин, ахборот-кутубхона фаолиятини янада такомиллаштириш, фойдаланувчиларга, жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ахборот-кутубхона ишидаги ўзаро муносабат-

ларни жорий қилиш каби масалалар Қонунда ўзининг ҳуқуқий ечимини топган.

Қонун 28 та моддани ўз ичига олган 7 бобдан иборат бўлиб, унинг 1-бобида мамлакатимиз ва халқаро кутубхона тажрибасига асосланган ҳолда, ахборот-кутубхона фаолиятида фойдаланиладиган асосий тушунчалар ва ахборот-кутубхона фаолиятининг асосий принциплари белгиланган берадиган тўртта модда ўрин олган.

Тўртта моддадан иборат бўлган Қонуннинг 2-боби ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш, қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тартибини ҳамда махсус ваколатли давлат органлари ваколатларини белгилайди. 3-боб ахборот-кутубхона тизими ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларининг турларини белгилайди, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кутубхоналари, бошқа кутубхоналар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қоидалардан иборатдир.

Ўрта моддадан иборат бўлган 4-бобда ахборот-кутубхона фондиди шакллантириш, жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ундан фойдаланишга оид нормалар мустаҳкамланган.

Мазкур Қонуннинг 5-бобида ахборот-кутубхона институтларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тартибига оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Ахборот-кутубхона муассасаларини молиялаштириш, мазкур муассасаларнинг бирлашмалари ҳамда ахборот-кутубхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликка оид нормалар Қонуннинг учта моддадан иборат бўлган 6-бобида ўрин олган.

7-бобда аяқловчи қоидалар акс эттирилган бўлиб, унда ахборот-кутубхона соҳасидаги низоларни ҳал этиш, ахборот-кутубхона фаолиятини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш, Қонуннинг кучга кириши билан боғлиқ масалаларга оид қоидалар белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалда самарали таътиб қилиниши; биринчидан, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлатнинг ягона сиёсатини амалга оширишда; иккинчидан, кутубхона фондлари асосида ахборот ресурсларини шакллантириш орқали ахборот, маданий-маърифий, таълимий жараёнларни ривожлантириш бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг янги-янги турларини шакллантиришда; учинчидан, кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари сифатида мақомини белгилашда; тўртинчидан, мамлакат ахборот-кутубхона тизимини такомиллаштиришда; бешинчидан, ахборот-коммуникация технологияларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона институтлари фаолиятининг асосий тамойилларини белгилашда; олтинчидан, турли идораларга тегишли ахборот-кутубхона институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлиги бўйича муносабатларни мустаҳкамлашда; еттинчидан, фуқароларнинг ахборотга эркин эгалик қилиш ва маънавий юксалиш, миллий ва жаҳон маданият қадриятларига йўналштириб бориш ҳуқуқларини таъминлашда ва нихоят саккизинчидан, ахборот-кутубхона институтларининг миллий ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашига хизмат қилади.

Эркин НАЖМИДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти етакчи илмий ходими

САНЪАТ ВА СПОРТ НАМОЯНДАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўллаб иккуний фестиваллар, кўрик-танловлар, концертлар ташкил этилди. Жумладан, «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусика фестивали миллий мусика санъати билан бирга тинч ва осуда ҳаётимизни, жамиятимиздаги барқарорлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик муҳитини тараннум этишда алоҳида аҳамият касб этди. «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Нихол» мукофоти учун бўлиб ўтган иккуний танловларда мустақиллигимизни, жаннатмонанд заманимизни, меҳнатсевар ҳаётларимизни улусловчи мусикий асарлар яратилди, қўллаб истъдод соҳиблари кашф этилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия, «Ўзбектеатр», «Ўзбекнаво», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Ўзбекино» миллий агентлиги сингари иккуний ва жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилган санъат ҳафталиклари, «Сени қўлаймиз, замондош!» республика кўрик-танлови, «Тошкент баҳори», «Theatre/Uz – 2011» халқаро фестиваллари, VI Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi, турли бадиий ва фото кўргазмалар, концертлар, илмий-маърифий анжуманлар таассуротларга бой бўлди.

Ўзбек кўшиқчилик санъатининг жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани, унга бўлган қизиқишнинг тобора ортаётгани Президентимиз Исрол Каримов томонидан иккуний санъатимиз ривожига кўрсатилаётган эътибор самарасидир, – дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Муножат Йўлчиева. – Иккуний янгилиниларга бой бўлган 2011 йилда Европанинг қўллаб мамлакатлари, Хиндистон, Хитой, Жанубий Кореяда ўтказилган концертлар, «Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари» тадбирлари бунинг ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ҳар бир иккундорни излашни ва иккуний марралар сари руҳлантирмоқда.

Шахматга жуда қизиқман, – дейди Қўқондаги 45-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Гулрух Тоҳиржонова. – Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга қаратилган эътибор туфайли Бразилияда ўтган шахмат бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида, Филиппиндаги халқаро мусобақада совринли ўринларни қўлга киритдим.

Тадбирда маданият, санъат ва спорт соҳаларида юксак муваффақиятларга эришган бир қатор ҳаётларимизга сертификатлар топширилди.

Санъат усталари, бадиий жамоалар, ёш иккунчилар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш натижасида тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари эл-юрт дастурхони тўқинлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда малакали мутахассисларни жамлаган «Tegen Soys fud» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам бозор ва харидор талабларига мос маҳсулотлари билан иккун бозорини таъминлашга эришмоқда. Асосан маҳаллий хом ашёни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган кетчуп, майонез ва бошқа турдаги маҳсулотлар сифати билан харидорларга манзур бўлапти. Энг асосийси эса кенг турдаги маҳсулотлар харидор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қадокланмоқда. Бунда тадбиркор жамоа аҳлига замонавий ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш қўл келмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми «TEGEN» компаниясининг мамлакатимиз барча ҳудудларида ташкил этилган фирма дўконлари орқали харидорларга етказиб берилмоқда. Сифати ва қадокланиши талаблар даражасига мос бўлган мазкур маҳсулотлар рақобатбардорлиги билан четдан келтирилаётган шундай товарлар ўрнини босаётгани билан аҳамиятлидир.

Янги цех очиб таратдиқини бошлаб юрган тадбиркорлар маҳсулот турларини кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажминини оширишни мақсад қилишган. Бунинг асосий боиси эса маҳсулотларга буюртмаларнинг ортиб бораётганидир. Албатта, ёшлар учун янги иш ўринлари ҳам ташкил этиш қўзда тутилган.

СИФАТЛИ БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

Илгор технологиялар, юксак унумли дастоҳ ва ускуналар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорлиги билан импорт товарлар ўрнини босмоқда. Шунинг баробарида маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган мазкур маҳсулотлар хориждан келтирилаётган худди шундай товарлардан бирмунча арзонлиги билан ҳам харидорини топтомоқда.

Автомобиллар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар тайёрлашни йўлга қўйган «Mavlon Texnik» масъулияти чекланган жамиятида 20 нафардан ортиқ малакали мутахассислар жамланган. Улар корхона цехларига ўрнатилган Россия ва Хитой технологик линиялари қувватидан унумли фойдаланиб пластмассадан бутловчи ва эҳтиёт қисмларни тайёрлашмоқда.

Мазкур маҳсулотлар республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга ўрнатилмоқда. Шу боис ҳам тадбиркорлар «GM Uzbekistan» корхонаси билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиб, уларнинг ҳар бир буюртмасини тўла адо этиб бормоқда.

Хозирда корхонада маҳаллий хом ашёни қўллаган ҳолда 10 хилдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Шунинг баробарида мутахассислар бутловчи қисмларнинг янги турларини ишлаб чиқариш йўлида ҳам излашмоқда. Бу, албатта маҳсулот турларининг яна бир нечтага ортишида, энг муҳими эса автомобилсозлик ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Киночилар уйда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда «Сардор-3» ва «Жасур» («Ўзбекфильм») бадиий фильмларининг тақдироти ва ўтган 2011 йил натижалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида

ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ

Анжуманда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ходимлари, студиялар директорлари, фильмлар иккундорлари катнашди.

Мазкур фильмлар Ватан ҳимоячилари қуни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишлаб яратилди. Кинотасмаларда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган.

Масалан, «Жасур» фильмида Ўзбекистон Миллий ҳавфсизлик хизматида қарашли чегара қўшинлари ходимларининг оғир, аммо шарафли фаолияти, айрим диний-экстремистик гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш босқисидидаги сазай-ҳаракатлари ҳақида сўз боради. Кутилмаганда бир гуруҳ террорчилар йўловчилар ўтирган автобусни гаровга олишади. Фильм бош қаҳрамони Жасур чиркин нијати кимсаларни қўлга олиш ва бегуноҳ инсонларни уларнинг чангалидан халос этишга отланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2011 йилда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра 15 та тўла метражга бадиий фильм, 10 та мультимедиа, 58 та ҳужжатли фильмлар яратилди. Шунингдек, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбек миллий киноси дурдоналари» номи остида 20 та энг яхши фильмлар жамланган тўплам чиқарилди.

Анжуманда иштирокчилар ўзбек кино санъати ва санъатининг бугунги кунига доир ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан тўлиқ жавоблар олишди.

Ушбу кино картиналарнинг 10-14 январь кунлари Алишер Навоий номидаги санъат саройида намойиш этилиши режалаштирилмоқда.

Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА



Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг даволаш ва тахис қўйиш корпуси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.
Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат

Бинобарин, маҳалла тизими имкониятларидан янада унумли фойдаланиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармалари қошида турли соҳа вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашларини тузиш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ана шундай хайрли ишга қўл урилиб, қуни кеча ушбу кенгашнинг тузиш ва унинг олдида турган мақсад ҳамда вазифаларни белгиллаб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Н. Бахтиёр ва Ф. Абдурахимов бугунги кунда жамоатчилик кенгашининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, унинг маънавий муҳитни соғломлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, диний экстремистик оқимлар ва гуруҳларга қарши маърифат йўли билан курашни, ёш қизларнинг оила, турмуш ҳақидаги билимларини кенгайтиришда мазкур кенгашнинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Ж. Иноғомов маҳаллаларда соғлом муҳитни яратиш, бугунги кунда ўтказилаётган тўйларимизга яна бир бор аҳамият қаратиш, тўй-маъракаларда турли исрофгарчиликларга барҳам бериш, ҳашам ва дабдабаларни қамайтириш, тўйлардаги қатор-қатор автомашиналар қарвонини йўқ қилиш кераклиги тўғрисидаги фикрларини баён қилди ва бу масалаларни ҳал этишда жамоатчилик кенгашлари ўзига хос ўрин тутиши мумкинлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Турли соҳа вакиллари ўз сўзларида жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши-



Маҳалла

ИБРАТЛИ ТАШАББУС АСОСИДА жамоатчилик кенгашлари тузилади

Кейинги пайтларда «Ватан ичра кичик бир Ватан» ҳисобланиш маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Жаҳонда ўхшаши йўқ ушбу тузилмага давлатнинг ваколатлари аста-секин ўтиб бормоқда. Бу кучли давлатдан оқил фуқаролик жамиятига ўтиш борасида муҳим омилдир.

нинг ҳақиқатан ҳам бугунги кунда нечоғлиқ зарурлиги, унинг жамиятимиздаги маънавий-маърифий муҳитни соғломлаштиришдаги роли, ёш авлоднинг тарбиялашдаги вазифалари ҳақидаги фикрларини билдирди.

Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Ё. Аҳмедов бугун тўйларимизнинг нақадар ҳашамга айланиб кетаётгани, дабдабабозликларнинг қўлиги ҳақида гапириб ўтди. Ўз навбатида бундай ҳолатларнинг олдини олиш кераклиги, зеро, бу оилаларга, фарзандларимиз руҳиятига салбий таъсир этаётгани хусусида фикр билдирди. Бундай ноҳуш ҳолатларга барҳам бериш жойлардаги вазиятни назорат қилиш учун маҳаллаларда албатта жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш даркорлигини билдирди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Х. Ражабий ўз сўзида маҳаллаларда маънавий му-

ҳитни соғломлаштиришда оммавий ахборот воситаларидан кенгрок фойдаланиш, маънавий-маърифий кўрсатувлар, видеофильмлар ва мақолалар орқали ёшлар онгига таъсир этиш кераклиги, радио, газета ва журналларда ёшлар тарбияси, тўйларни ихчамлаштиришга бағишланган рўкнларни кўпайтириш лозимлигини қайд этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан тўйларни ўтказиш бўйича намунавий тавсиянома ишлаб чиқиш, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида ҳам жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тўғрисидаги фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Ҳар бир инсон хоҳ у ёш бўлсин ёки ёши улғу Янги йил сўзини эшитиши биланоқ қалбида ўзгача бир ҳавас, умид, ишонч каби туйғулар учқунлаганини сезади. Шунинг учун бўлса керак, ушбу байрамни барча бирдек интизорлик билан кутади. «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ва барча туман бўлим Кенгашилари томонидан байрамнинг шоду хуррамликда ўтишини таъминлаш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«КАМОЛОТ» ЛОЙИҲАЛАРИ

— «Қамолот» билан Янги йил!», «Кўча арча» акциялари, «Қамолот» арчаси, «Қамолот» сиз билан», «Эъоздасиз, ҳар қачон!» кабилар шулар жумласидандир, — дейди «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши бўлим мудири Баҳодир Зиёвуддинов. — Қишки таътил кунларида амалга оширилаётган ушбу тадбирларда 50 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди, юздан ортиқ қариялар истиқомат қилаётган хонадонларга ташрифлар уюштирилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, қаровсиз қолганларнинг уй юмушларига кўмаклашиш, байрам совғаларини топшириш каби хайрли ишлар амалга оширилди. Булар қаторида лойиҳа доирасида «Воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази»да, болалар ва ўсмирлар шифоналарида байрам тадбирлари ташкил қилинди. Имконияти чекланган болажонлар уйлари, кам таъминланган хонадонларга бориб ширинликлар, қишки кийим-кечаклар совға қилганимизда уларнинг ва оила аъзоларининг юзларидаги қувонч, умидни кўриб, бизларнинг ҳам дилларимиз чарогон бўлди.

«Қамолот»дан Янги йил! лойиҳаси доирасида Ҳаракатнинг Олмазор туман бўлими Кенгаши ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида 24-сонли Мурувват уйида, Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида «Кўча арча» акциясининг ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этди. Тадбирларда Қорбобо ва Қорқизлар иштирокида болажонлар билан турли топшимоқ ва қизқарли айтишувлар ташкил қилинди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг театр жамоаси томонидан намойиш этилган «Янги йил эртаги» эса болажонларнинг қувончига қувонч қўшиш билан бирга, улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятларни ардоқлаш, эзгуликнинг доимо ёвузлик устидан ғалаба қозониши, олий мақсадлар порлоқ келажақ сари етаклаши каби ахлоқий аҳамиятга эга бўлган ғояларни тарғиб этишда муҳим ўрин тутди. Янги йил қаҳрамонлари қарияларни табриклаб, байрам совғалари билан хушнуд қилдилар.

Садоқат АСЛАНОВА



Илм-фан нури зимистон уйни этар мунаввар,
Илм отига минса ҳар ким мақсадига тез етар
Владимир Гранкин олган сурат

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона мажмуасида «Жамият тараққиётида экологик билимларнинг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Айниқса, ўзаро ҳамкорликда чоп этилган экологияга оид адабиётлар, турли хариталар асосида божхона мажмуасида «Экология бурча» ташкил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу эса божхона ходимларининг экологик онг ва билимларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йиллар давомида юртимизда табиати муҳофазаси қилиш қонунчилигининг янги меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди. 1992 йилда табиий муҳит шароитларини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Тадбирда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг мустаҳкам қонунчилик асослари шакл-

ланганлиги, табиати ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда барқарор ривожланиш соҳаси бўйича қатор стратегик ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Шунингдек, биохилма-хиллини сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси, чулғаниш ва қургўчилик билан курашиш, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, атроф-муҳит гигиенаси бўйича ҳаракатлар режалари, барқарор ривожланиш таъминлаш бўйича миллий стратегия концепциясининг мазмун-моҳияти бўйича алоҳида маърузалар тингланди.

Жаннатмакон юртимизнинг гўзал табиати, бой ҳайвонот ва наботот олами кўз қорачиғидек асрашда иқтисодий келиб чиқилган қатъий назар жамиятнинг барча аъзолари бирдек жавобгардирлар. Тадбирда иштирок этган божхона ходимларини қизиктирган саволларга соҳа мутахассислари атрофича жавоб беришди.

Азиза ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Фанлар академияси микробиология институтида олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бунда институтнинг қатор олий ўқув юртлари билан илмий алоқани кенг йўлга қўйиши муҳим омил бўлаёттир.

ИНСТИТУТ КАФЕДРАЛАРИ

Ўзбекистон Миллий университети биология ва тулроқшунослик факультети Биотехнология кафедрасининг очилиши ҳам айтиш мумкин бўлди.

Бундан ташқари, университет «Микробиология ва ўсимликлар» деб номланган кафедрага эга бўлди.

Қўрилган бундай тадбирлар микробиология институтида шу соҳага доир изланишларни кенг кўламда олиб боришда кўл келмоқда.

Муфассал НИГМАТОВА,
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида юртимизда Янги йил байрами кайфиятини улашиш мақсадида ташкил этилган навбатдаги хайрия тадбирида Республика Болалар ортопедия марказида доволанаётган болажонларга совғалар улашилди.

ТАДБИРЛАР БОЛАЖОНЛАРГА СОВҒАЛАР УЛАШИЛДИ

Юртимизда азал-азалдан «Эзгу ишни ҳар ким, ҳар қачон қилиши керак» деган пурмаъно накл бор. Дарҳақиқат, саховат-парварлик, атрофдагиларга яхшилик қилиш, кам таъминланган, беморларнинг ҳолидан хабар олиш қон-қонимизга синган одатлардан биридир.

Айни кунларда жойларда янги йил шодиёналари давом этмоқда. Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан республикамизнинг турли вилоятларидан келиб доволанаётган беморлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, қаровчисини йўқотганлар, имконияти чекланган, кам таъминланганлар, барча эътиборга муҳтожларнинг Янги йил байрамини кўтаринки кайфият билан ўтказишлари таъминланаёттир.

— Пойтахтга Қашқадарё вилоятдан фарзандимни доволаш мақсадида олиб келгандим, — дейди Махфуза Бердиева. — Шифохонада Қорбобо ва Қорқиз иштирокида шифокорлар, ҳомийлар кириб совғалар бериб, табриклаганларида севинганимдан кўзимга ёш келди. Кўнглим ёришди. Давлатимиз томонидан бизларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад хурсанд бўлдим.

Беморларга совғалар тақдим этишда иштирок этаётган Республика Болалар ортопедия маркази бўлими раҳбари профессор Аҳор Жўраев бу каби эзгу ишлар доволанувчиларнинг тезроқ соғайиб кетишига ҳизмат қилишини айтиб ўтди.

— Шифокорлар менга хуш муомалада бўлиб, меҳрибонлик билан қарашаяпти, — дейди эндигина ўн ёшга қарашлаётган сирдарёлик Шахзода Ғаниева. — Қишки таътил вақтида холам билан Тошкентга доволанишга келганимда Қорбобо ва Қорқизнинг менга берган совғалари ҳақида дўстларимга албатта айтиб бераман. Даволаниш менга завқ берганини ҳеч қачон унутмайман. Фурсатдан фойдаланиб ҳаммага раҳмат айтаман. Бу янаям яхши ўқишимга, тезроқ соғайиб кетишимга ёрдам беради.

Шунингдек, тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари томонидан қорхона, ташкилот, ўқув муассасалари ишчи-хизматчиларининг фарзандлари учун Тошкент Давлат циркига, Абдор Ҳидоятлов номидаги драма, Тошкент оперетта, Ёш томошабинлар театрларига чипталар бепул тарқатилди.

Сабоҳат ЯРАШОВА

Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ҳамда «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик хайрия жамоат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мажмуа ходимлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Юртимизда табиати асраб-авайлаш, экологик мувозанатни таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти. Бу жараёнда аҳоли, айниқса ёшларнинг экологик билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

— Экологик муаммолар чегара билмайди, — дейди «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик хайрия жамоат фонднинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Мирқарим Мирсоровов. — Табиати муҳофазаси қилиш, уни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар бир инсоннинг энг муҳим бурчига айланмагунча, экологик масалаларга ечим топиш мушкул. Кейинги йилларда табиатдаги кескин ўзгаришлар уни асрашга эътиборни янада қучайтириш, омма эътиборини экологик муаммоларга қаратиш, инсонларнинг экологик билим ва маданиятини бойитиш, уларнинг экологик тафаккурини, онгини янада юксалтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиши тақозо этаёттир. Хусусан, «ЭКОСАН» ташкилоти ҳам Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, ёшларнинг экологик билимларини оширишга

Фан

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ОБСЕРВАТОРИЯЛАР

Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти илмий негизи янги қурилма ва асбоблар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Кейинги йилларда олиб борилган кузатиш ишлари натижалари ҳисоб-китоб қилиниб, самарадорликка эришилди.

Бу илмий марказ саъй-ҳаракати билан илмий-таълимий жараён билан шугullanувчи шохобчалар ташкил этилди. Ўзбекистон Миллий университетида орттирилган бой тажриба асосида қатор йирик

олий ўқув юртлари ҳузурида обсерваториялар очилиши режалаштирилди. Ҳозир бундай кузатиш маркази Андисон университетида фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда лаборатория ишлари ҳам олиб борилаётган.

Ўзбекистон Фанлар академияси микробиология институтида олиб борилаётган илмий изланишлардан талайгинаси ҳам шу мавзуларга қаратилмоқда.

Илмий муассасада республикамизда биринчи бўлиб, қишлоқ хўжалик, хусусан, сўғориладиган ерларга тегишли экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган парчаловчи бактерия штаммларини аниқлаш илмий тажрибалари ўрганилди. Бундан қўзланган асосий мақсад радиоактив моддалар ва саноат чиқиндилари билан ифлосланишига тегишли экологик муаммоларни ҳал этишдан иборат.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасидан фойдаланиб «Тупроқларнинг ифлосланиш муаммолари ва уларни муҳофазаси қилиш тадбирлари» деб номланган ўқув қўлланмаси яратилди. Бу эса илмий ишларнинг амалиётга татбиқ этилишидир.

Олимлар томонидан Олмалик кон-металлургия комбинати чиқиндиларидаги геохимик фаол микроорганизмлар маҳаллий штаммлари ҳам таҳлил қилинди. Эритмада юқори концентрацияли мисга нисбатан чидамли бўлган бактериялар олинди.

Чиқиндилар уюмини микроорганизмлар ёрдамида суюқликда эритиш тадқиқотлари ҳам ўтказилди. Мазкур қорхона базасида мисни қайта ишлаш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари ҳам қутилган натижага берди.

Институт олимлари экологик хавфсиз ва иқтисодий самарадор бўлган фойдали микроорганизмлар гумат комплексини ҳам яратишга муваффақ бўлдilar. Ушбу биоўғитни ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ишлатишда сўғориш жараёни кўл келади.

Ахбар АЛИЕВ

Анжуманлар

АМАЛИЙ ИШЛАР САРҲИСОБИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан «Мавсумий кўчкилар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирлари ва бундай вазиятларда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир давомида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинган қарор ва фармонлар, шунингдек, уларнинг жамият тинчлиги ва аҳоли саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳамда мутасадди идоралар томонидан бу борада қилинаётган ишлар, тузилган комплекс дастурлар ҳақида мутахассисларнинг маълумотлари тингланди.

Булардан ташқари сел, кўчки хавфи тўғрисидаги прогноз маълумотларни аҳолига тезкор равишда етказиш борасида, республикамизда фаолият юритаётган қатор уяли алоқа компаниялари орқали абонентларга мунтазам «СМС» хабарлари юборилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг шу кунига қадар жами 70 га яқин огоҳлантирувчи хабарлар уяли алоқа эгаларига етказилиб, фавқулодда вазиятлар ҳақида огоҳлантирилди. Ушбу жараён давом этмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда дунё миқёсида жойларда юз бераётган табиий офатлар, кўнгилсиз ҳодисалар барчамизни янада сергак туриш ва огоҳ бўлишга чорлайди.

Бунинг учун ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ва истиқболдаги режалар ҳақида мутасадди идора мутахассислари томонидан маълумотлар берилар экан, журналистлар уларнинг қизиқтирган саволларига батафсил жавоблар олдилар.

С.ИСАЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, 30.05.2011 йилдаги 14457/10-сонли ижро ҳужжати асосан, «UzRossel Trade» КҚга тегишли, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 1-сонли жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси: 1. «Нексия» русумли д/р 01/041КВА бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 232 000 сўм. 2. «Нексия» русумли д/р М7517 бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 632 000 сўм.

3. «Нексия» русумли д/р М7658 бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 914 000 сўм. 4. «Дамас 150VAN» русумли д/р М7486 бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 000 000 сўм. 5. «Дамас» русумли д/р 01/042КВА бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 882 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 17 февраль кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 10 февраль кунини соат 18:00.

Шунингдек 2011 йил 31 январь кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига такроран, Яккасарой тумани СИБ томонидан, ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 11.12.2008 йилдаги №2-70, 2907 ижро ҳужжатлари асосан УК «Газчитранс» қорхонасида сақланаётган, «Қамаз 5320» русумли, д/р 18АЕВ62 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 056 340 сўм.

Такроран ўтказиладиган аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 27 январь кунини соат 18:00. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилди!

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, Фўқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Яккасарой туманлараро судининг 2011 йил 4 августдаги 1-7195/11-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғиёўстон кўчаси 26А-уй манзилида жойлашган, 9 хонали, умумий майдони 600 кв.м бўлган, фойдаланиш майдони 269,31 кв.м, 2 та дахлиз, 2 та ҳожатхона, 2 та ювиниш хонаси, 2 та тахмон, йўлак, ҳаммом-ҳожатхона ва 2 та ертўладан иборат уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 182 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 9 февраль кунини соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия: RR-0001

Спорт янгиликлари



ЖАЪФАР — ЖАҲОН ТЎПУРАРЛАРИ САФИДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунё мамлакатлари миллий чемпионатлари олий лигаларида футболчилик фаолиятини давом эттираётган ва энг кўп гол киритган тўпурарларнинг янги рўйхатини эълон қилди. Эътиборлиси, фаолияти давомида икки юздан зиёд тўп киритган энг моҳир ўн беш нафар футболчи сафида ҳамюртимиз Жаъфар Ирисметов ҳам эътироф этилган.

2011 йилги футбол мавсумида Ҳузюрнинг «Шўртан» ва Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоалари таркибида миллий чемпионатимиз олий лигасида тўп сурган моҳир ҳужумчимиз бу гал дунё тўпурарлари рўйхатида тўққизинчи ўринда қайд этилди. Жаъфар айни пайтга қадар 428 учрашувда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 239 гол киритган.

Профессионал футболчилик фаолиятини 1992 йилда бошлаган Ж.Ирисметов Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси сафида уч маротаба Ўзбекистон миллий чемпионатининг энг моҳир тўпурари, деб топилган. 2000 йили «Дўстлик» таркибида рақиблар дарвозасини 45 марта ишғол этиб, бир мавсумда энг кўп гол уриш бўйича мамлакатимиз рекордини ўрнатган ва йилнинг энг яхши футболчиси бўлган.

Ж.Ирисметов Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида ўттиз уч учрашувда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига ўн беш гол урган.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири



Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Россиянинг «Волга» клуби футболчиси, моҳир ярим ҳимоячи Санжар Турсунов айни кунларда Владикавказда.

САНЖАР ТУРСУНОВ — ВЛАДИКАВКАЗДА

Ҳап шундаки, Владикавказнинг «Алания» жамоаси мураббийлари ҳамюртимиз Санжар Турсуновга катта ишонч билдириб, уни ўз клубларига таклиф этишган. «Волга» жамоаси билан тузилган шартнома муддатини яқунлаган Санжар эндиликда владикавказлик чарм тўп усталари билан бирга Россия премьер-лигаси баҳсларида иштирок этади.

ган шартнома муддатини яқунлаган Санжар эндиликда владикавказлик чарм тўп усталари билан бирга Россия премьер-лигаси баҳсларида иштирок этади.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МАҲОРАТИНИ ОШИРАДИ

Бирлашган Араб Амирликларида 18-23 январь кунлари футбол бўйича «Match World Cup — 2012» халқаро турнири бўлиб ўтади.

Ҳар йили ташкиллаштириладиган мазкур халқаро нуфузли турнирда Россиянинг «Зенит», «Ростов», Украинанинг «Шахтёр», Руминиянинг «Васлуй», Швейцариянинг «Ксамакс», Мароканинг «ВАК Касабланка», Ироқ олимпия терма жамоаси ҳамда Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби футболчилари голиблик учун кураш олиб боради.

Қувонарли жиҳати шундаки, мазкур турнир ташкилотчилари Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоасига ҳам таклиф билан мурожаат қилишди. 2012 йилда Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этишга аҳд қилган ҳамда жаҳон чемпионатида саралаш турнири учинчи босқичда етакчи бўлиб келаётган терма жамоамиз раҳбарияти ушбу таклифга рози бўлди. Чунки бу каби турнирларда кўпроқ иштирок этиш футболчиларимизнинг маҳоратини оширади.

Ақбар ИЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилнинг 18 ноябрь кундаги 309-сонли қарорига асосан, мамлакатимизда 25 ноябрдан 25 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги» ойлиги деб эълон қилинган эди. Айни пайтда мазкур ойлик яқунланган бўлсада, бу ишлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида изчиллик билан давом этмоқда.

ЭЪТИБОР ДОИМИЙ БЎЛСА...

Рақамларга мурожаат этсак, мазкур ойликда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида белгиланган объектлардан 16529 таси текширилиб, 7342 тасининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди. Режалаштирилган 274224 та тадбирлардан 81,4 фоиз бажарилишига эришилган бўлса, тегишли қоидаларни бузганликлари учун 4671 нафар раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан жарима солинди. Текширувлар чоғида ёнғин чиқиш хавфи бўлган цех ва омборхоналар фаолияти тўхтатилиб, бир қанча носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди.

Олиб борилган ишларга қарамай, ўтган 2011 йилда пойтахтда 1619 та ёнғин содир бўлиб, унда икки юз ўн бир миллион сўм миқдорда моддий зарар кўрилди. Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли яшаш жойларида содир бўлганлиги эса хизмат ходимларининг фуқаролар билан тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришини тақозо этади.

— Бу борада малакали ходимлар томонидан олиб борилаётган тушунтириш ишлари самарали кечмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 14-қисм кичик инспектори, сержант Тоҳир Норматов. — Ойлик яқунланган бўлсада, аҳоли яшаш жойларида, таълим ва даволаш муассасаларида ёнғин хавфсизлигига оид билимларни мустақамловчи тадбирлар ташкил этилмоқда. Мактабларда 41515 маротаба, тиббиёт масканларида эса 1919 та учрашувларда фаолият кўрсатган ходимларимиз махсус машқлар ёрдамида ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин чиққанда қандай йўл тутиш кераклигини батафсил кўрсатиб беришди. Бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, махсус кийимлар ҳар бир тадбир иштирокчисини бепарқ қолдирмади. Мақсадимиз, бу ишлар нафақат ёнғин хавфсизлиги ойлигида, балки доим эътибор ва назоратда бўлсин.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

БЕБАҲО КОЛЛЕКЦИЯЛАР

«Геология» музейининг ташкил этилганига ҳам 20 йилдан ошди. Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизимида фаолият кўрсатаётган мазкур даргоҳ бош геология хизматига қарашли кичик музей коллекцияси негизда ташкил этилган эди.

рифий, маданий, иқтисодий томондан миллий бойлик ҳисобланиб, эъзозлаб сақланмоқда.

Ҳақиқий маърифат маскани сифатида тўпланган осори-атиқалар беҳисоб. Ёз ойларида мактаб ўқувчиларининг таътилидан фойдаланиб, пойтахт мактаблари микросида фестиваллар ўтказилмоқда. Бундай маърифий тадбирлар ёшларнинг ерости бойликлари бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда музей фаолияти доираси янада кенгайди. Ўзбекистон

учун ноанъанавий минерал хом ашёларнинг янги манбаларини излаб топишга муваффақ бўлинди. Натижада қўллаб янги минерал ва кристаллар топилдики, эндиликда улар Ўзбек олимлари номи билан аталмоқда. Академиклардан Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамробоев каби машҳур геолог олимлар номи билан аталаётган минераллар шулар жумласидан. Заҳматкаш геологларимиз изланишлари билан келгусида яна қўллаб ер ости бойликлари қўлга киритилиши турган гап.

Анвар ВАЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шугулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устaxonалари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори таълаблари асосида жиҳозлаш бора-сида барча имкониятлар мавжуд.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси	тел.: 233-51-47
«Тошавтобустранс» АК	тел.: 234-90-36
«Чукурсой автокорхонаси» МЧЖ	тел.: 248-05-56
«Интер-транс-сервис» ҚҚ ОАЖ	тел.: 272-89-47, 272-68-52
«Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ	тел.: 290-70-17
«Туртинчи автохизмат» МЧЖ	тел.: 263-38-80
«5-такси саройи» МЧЖ	тел.: 280-60-54



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Агар бир хусусда газаблансанг, ўзингни бос. Агар бирор бахтсизликка йўлиқсанг, сабр қил. Агар сўзласанг, чин сўзла. Агар ваъда қилсанг, уни бажар. Агар бировларни сўроқ қилсанг, адолат билан иш тут. Душманингга ҳам яхшилик қил, ёмонликдан ўзингни тий.

Сув тагида узок ётган тошни олиб бир-бирига урилса, ундан ўт чиқиб кетади.

Биз хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, ҳар бир ишни ўз ихтиёри-миз билан қиламиз.

Яхшиликка албатта яхшилик қайтади.

Тақдирда бўлган иш учун ачиниш ортиқча.

Иши билан ўлчанур мард кишилар салмоғи, Улуғлиги билинур улуғлик қилган чоғи.

Таъна қилсанг бировга, сўнг ўзингга қайтади, Бир кун келиб, ўзингга айтган сўзинг қайтади.

Эртанинг ризқи эртага келади.

Ҳиқматшунос олимлар ойнага қараш, ҳаммомга тушиш, ашула ва куйлар тинглаш ғам-аламларни, хаёл ва ташвишларни тарқатади, деганлар.

Одам кўпинча нафсу ҳавога берилиб, ҳақиқатдан узоқлашади.

Билимдонлар: «Ғам-аламларнинг тарқалиши уч ишнинг бири билан: кўрмаган нарсаларни кўриш ёки эшитмаган нарсани эшитиш, ҳеч ким юрмаган йўлдан юриш билан рўёбга чиқади, деганлар.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган
(Давоми бор)



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

ража совуқ, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра,

Тошкент шаҳрида 11 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар риб туради, кечга бориб ҳаво муҳитида зарарли мод-дларнинг бироз йиғилиши-часи ва эрталаб туман га имконият яратади. Ат-мосферанинг ифлосланиш бдан секундиға 5-10 метр даражаси 1-3 фойз кўнай-тезликда шамол эсади. иши тахмин қилинмоқда, Ҳарорат кечаси — 3-5 да-тағмиқдори паст бўлади.